



## O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SUV XO‘JALIGI VAZIRLIGI HAY‘AT QARORI

2023-yil 20-fevral

№ 2/2

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5132-сонли қарори ижросини таъминлаш, вазирлик марказий аппаратида ҳамда вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотларида 2022 йилнинг IV чораги давомида ижро интизомига риоя этилишини таъминлаш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш борасида олиб борилган ишлар ва навбатдаги вазифалар ҳақида**

Вазирлик ҳайъати қайд этадики, 2022 йилнинг IV чораги давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сонли қарори ижросини, шунингдек, вазирлик марказий аппаратида ҳамда вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотларида ижро интизомига риоя этилишини таъминлаш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш борасида муайян ишлар амалга оширилган. Ҳисобот даврида:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари бажарилишининг назоратини юритувчи “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимидаги назоратда бўлган 255 та ҳужжат тўлиқ назоратга олинган бўлиб, шундан ҳисобот даврида 250 таси, яъни 98,0 фоиз (*ўтган чоракда 97,6 фоиз бўлган*) ҳужжатлар ўз муддатида назоратдан чиқарилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сонли қарорига мувофиқ қолган 5 та ҳужжатларнинг ижро муддатини узайтириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ҳамда Адлия вазирлигига таклифлар киритилган;

вазирликка келиб тушган ва тўлиқ назоратга олинган 2754 та ҳужжатларнинг 2656 таси яъни, 96,4 фоизи (*ўтган чоракда 94,6% бўлган*) ўз муддатида назоратдан чиқарилиб, 38 та яъни, 1,4 фоизи (*ўтган чоракда 58 та, яъни, жами ҳужжатга нисбатан 2,5% ҳужжат*) вазирликда қабул қилинган йўриқнома ва ички тартиб-қоидаларда белгиланган муддатлардан *кечиктириб бажарилган* ва 60 та, яъни 2,2% (*ўтган чоракда 2,9%*) ҳужжатларнинг ижро муддати борлиги сабабли ҳозирги кунда ижросини таъминлаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда;

вазирлик марказий аппарати, вазирлик тасарруфидаги Республика ва тизим ташкилотлари раҳбар-ҳодимларга нисбатан тегишли интизомий жазо чораларини қўллаш юзасидан қабул қилинган 14 та буйруғи билан жами 19 та раҳбар-ҳодимларга шу жумладан, 9 та вазирлик марказий аппарати раҳбар-ҳодимига ва 10 та тизим ташкилотлари раҳбарларига) нисбатан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181-моддасига мувофиқ ҳайфсан эълон қилинган;

369 та (*ўтган чоракка нисбатан 401 та кам*) ариза ва мурожаатлар келиб тушган бўлиб, белгиланган тартибда назоратга олинган бўлиб, шундан 361 таси, яъни 98,0% (*ўтган чоракда 94,0%*) қонунда белгиланган муддатларда кўриб чиқилган ва натижаси бўйича мурожаат муаллифларига маълум қилинган ва 8 та яъни 2,0% (*ўтган чоракда 6,0%*) ариза ва мурожаатларнинг ижро муддати борлиги сабабли ҳозирги кунда ижросини белгиланган муддатларда таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

**Лекин**, эришилган натижалар билан бирга бир қатор хато ва камчиликларга, ҳамда қоқоқликларга йўл қўйилган. Жумладан, 38 та яъни, 1,4 фоиз ҳужжат вазирликда қабул қилинган йўриқнома ва ички тартиб-қоидаларда белгиланган муддатлардан кечиктириб бажарилган. Жумладан:

Суғориладиган ерларни мелиорациялаш ва сув хўжалигини механизациялаш бошқармаси (Қ.Муратов)да - 3,5%, Сувни тежайдиган суғориш технологияларни жорий этиш бошқармаси (Н.Худойбердиев)да - 2,5 фоиз ҳужжатлар кечиктирилган бўлса, Сув омборлари ва йирик гидротехника иншоотларидан фойдаланиш бошқармаси (Р.Рахимов)да - 2,0% ҳамда Сув ресурслари ва сувдан фойдаланиш бошқармаси (Ж.Абдураззоқов)да - 1,0% ариза ва мурожаатлар вазирликда қабул қилинган йўриқнома ва ички тартиб-қоидаларда белгиланган муддатлардан кечиктириб бажарилган.

Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (Т.Алимов) ҳамда Норин-Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (Ф.Алматов)да Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сонли қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатларида белгиланган топшириқларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилиши устидан назорат, қатъиятчилик ва талабчанлик сусайтириб юборилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари бажарилишининг назоратини юритувчи **“Ijro.gov.uz”** ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими ва унга интеграция қилинган *вазирлик марказий аппарати ҳамда унинг республика ва ҳудудий ташкилотлари учун махсус ташкил этилган “water.ijro.uz”* ички электрон ҳужжат тизими фаолияти тўлиқ йлга қўйилмашганлиги натижасида, ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича ягона ва узлуксиз **“технологик занжир”** ташкил қилинмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги *“Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги* ПҚ-5132-сонли қарори ижросини сўзсиз таъминлаш, ижро интизомини янада мустаҳкамлаш борасида 2022 йилнинг IV чораги давомида, йўл қўйилган хато ва камчиликлар ва қоқоқликларни зудлик билан бартараф этиш ва келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик бўйича бошқарувнинг барча даражадаги раҳбар ва мутахассисларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш мақсадида, ҳайъат йиғилиши

### **Қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги *“Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги* ПҚ-5132-сонли қарори ижросини таъминлаш, вазирлик марказий аппаратида ҳамда вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотларида 2022 йилнинг IV чораги давомида ижро интизомига риоя этилишини таъминлаш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш борасида олиб борилган ишлар ва навбатдаги вазифалар ҳақидаги ахборот **маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.**

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йилнинг 23 январдаги *“2022 йилда Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва ҳокимликларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари тўғрисида”ги* Раёсати мажлисининг 9-сонли баёни **раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.**

3. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва унинг тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш бўйича Чора-тадбирлар режаси илова мувофиқ тасдиқлансин.

4. Вазир ўринбосарлари, вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, туманлар ирригация бўлимлари ҳамда вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сонли қарори ижросини таъминлаш, 2022 йилнинг IV чораги давомида ижро интизомига риоя қилиш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш борасида олиб борилган ишлар **етарли эмас деб топилсин.**

5. Суғориладиган ерларни мелиорациялаш ва сув хўжалигини механизациялаш бошқармаси (Қ.Муратов), Сувни тежайдиган суғориш технологияларни жорий этиш бошқармаси (Н.Худойбердиев), Сув омборлари ва йирик гидротехника иншоотларидан фойдаланиш бошқармаси (Р.Рахимов) ҳамда Сув ресурслари ва сувдан фойдаланиш бошқармаси (Ж.Абдураззоқов)ларга ижро интизомига қатъий риоя этмаганлиги, ҳужжатларни ўз вақтида ва сифатли тайёрланишини ташкил қилмаганлиги ҳамда ҳужжатларда баён этилган кўрсатма ва топшириқларнинг белгиланган муддатларда бажарилишини таъминламаганлиги учун **огоҳлантириш эълон қилинсин.**

6. Вазирнинг биринчи ўринбосари (*ижро интизоми учун масъул*) А.Назаров, вазир ўринбосарлари Р.Қаршиев, Д.Ходжахмедов ҳамда вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқларига:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6166-сонли Фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги “*Ijro.gov.uz*” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5132-сонли қарорининг ижросини тизимли равишда ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари бажарилишининг назоратини юритувчи “*Ijro.gov.uz*” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимидаги назоратда бўлган ва 2023 йилнинг I чорагида ижроси таъминланиши лозим бўлган **ямаи 136 та**, шу жумладан, **январь ойида 50 та, февраль ойида 43 та ва март ойида 43 та** ҳужжатларда белгиланган топшириқлар ижроси юзасидан кунлик мониторинг ўрнатиш ҳамда топшириқларни белгиланган муддатда, тўлақонли ва сифатли қилиб бажариш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва (йиғилиш баёнлари) топшириқлари ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларни **вазирнинг биринчи ўринбосари ҳузурида ҳар ҳафта жума кuni ва вазир ҳузурида ҳар ҳафтанинг душанба кунлари** муҳокама қилиб, баён билан расмийлаштириб борилишини ташкил этиш;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бўйича амалга ошириш графикларининг (назорат режалари) тайёрланиши, тасдиқланиши ва ижрога қаратилишини тўлиқ назорат қилиш;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ўз вақтида бажарилиши юзасидан тизимли назорат ташкил этилган ҳамда чуқур таҳлиллар асосида мониторингини олиб бориш;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бажарилишининг ҳар ҳафталик таҳлилларини амалга ошириш, ижроси кечикаётган топшириқларнинг ҳисобини юритиш ва кечикиш сабабларини аниқлаб, уларни бартараф қилиш юзасидан раҳбариятга таклифлар киритиб бориш;

вазирликнинг 2022 йил 16 декабрдаги “*Вазирлик марказий аппаратида ижро интизомига қатъий риоя этиш, ҳужжатларда баён этилган кўрсатма ва топшириқларнинг ижросини белгиланган муддатларда, тўлақонли ва сифатли таъминлаш, ҳужжатлар лойиҳаларини имловий ва услубий жиҳатдан тўғри, моҳиятан тўлиқ, мазмунан аниқ ва ҳажман қисқа баён этилган, ҳар томонлама асосланган, пухта таҳрир қилинган ҳолда тайёрланишини таъминлаш бўйича вазирлик марказий аппаратининг барча даражадаги раҳбар-ҳодимларининг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш билан боғлиқ чора-тадбирлар ҳақида*”ги 01/12-99-сонли йиғилиш баёни топшириқларининг ижросини сўзсиз таъминлаш;

вазирликнинг 2022 йил 11 январдаги “*Вазирлик марказий аппаратида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш тўғрисида*”ги 6-сонли буйруғининг ижросини сўзсиз таъминлаш, вазирликка келиб тушаётган барча ҳужжатлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатлари, шунингдек, бошқа вазирлик ва идоралардан ҳамда жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган барча ҳужжатларнинг ижросини **5 кунлик муддатда** таъминлаш, агар ушбу муддатда бажариш имкони бўлмаган тақдирда ҳужжат ижрога қаратилган куннинг ўзидаёқ ижро муддатини узайтириш юзасидан вазирга таклиф киритиш бўйича белгиланган ички тартиб-қоидага қатъий риоя этиш;

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва унинг тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш бўйича Чора-тадбирлар режаси ижросини тизимли равишда ташкил ва таъмин этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг топшириқлари ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларни мунтазам равишда (**ҳар ой якуни билан**) таҳлил қилиб бориш, ушбу ҳужжатларнинг ижросини таъминлашга эътиборсизлик ва масъулиятсизлик билан ёндашаётган раҳбар-ҳодимларга нисбатан тегишли интизомий жазо чоралари қўллаш юзасидан вазирлик раҳбариятига асосланган хулоса ва таклифлар (*интизомий жазо чораси қўллаш юзасидан буйруқ лойиҳаси тайёрлаш*) тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

**Белгилаб қўйилсинки**, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари бажарилишининг назоратини юритувчи “*Ijro.gov.uz*” ижро интизومي идоралараро ягона электрон тизимидаги назоратда бўлган ҳужжатлар ижросини белгиланган муддатда, тўлақонли ва сифатли қилиб таъминлаш учун биринчи навбатда вазир ўринбосарлари шахсан жавобгар ҳисобланади ва ҳужжатлар ижроси ўз вақтида таъминланмаган тақдирда улар шахсан Вазирлар Маҳкамасига бориб тушунтириш хати тақдим қиладилар.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотлари раҳбарларига:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва (йиғилиш баёнлари) топшириқлари ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларни



**раҳбарнинг биринчи ўринбосари ҳузурида ҳар ҳафта жума куни ва раҳбар ҳузурида ҳар ҳафтанинг душанба кунлари** муҳокама қилиб, баён билан расмийлаштириб борилишини ташкил этиш;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бўйича амалга ошириш графикларининг (*назорат режалари*) тайёрланиши, тасдиқланиши ва ижрога қаратилишини тўлиқ назорат қилиш;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ўз вақтида бажарилиши юзасидан тизимли назорат ташкил этилган ҳамда чуқур таҳлиллар асосида мониторингини олиб бориш;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бажарилишининг ҳар ҳафталик таҳлилларини амалга ошириш, ижроси кечикаётган топшириқларнинг ҳисобини юритиш ва кечикиш сабабларини аниқлаб, уларни бартараф қилиш юзасидан раҳбариятга таклифлар киритиб бориш;

ижро интизомини мустаҳкамлаш, ҳужжатлар, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш, ижро мониторингини юритиш ва ижро интизомига қатъий риоя этилишини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни **ҳар ҳафта якуни билан** аппарат йиғилишларида ва **ҳар чорак якуни билан** умумий йиғилишларда танқидий-таҳлилий руҳда муҳокама қилиш орқали Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини белгиланган муддатларда, тўлақонли ва сифатли таъминлаш бўйича барча даражадаги раҳбар-ходимларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш;

**2023 йил I чорагида** жойларда аҳоли мурожаатлари бўйича сайёр қабулларни ўтказиш бўйича тасдиқланган графиклар асосида сайёр қабулларни тизимли равишда самарали ташкил этиш;

**ҳар чорак якуни бўйича** аҳоли мурожаатлари билан ишлаш аҳолининг танқидий муҳокама қилиш, мавжуд хато ва камчиликларнинг сабабларини аниқлаб, уларни зудлик билан ҳал этиш ва мурожаатларни кўриб чиқишда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган масъул раҳбар-ходимларга нисбатан жиддий таъсирчан чоралар кўриш;

аҳолидан келиб тушган мурожаатларни масъулият билан ёндашган ҳолда тезкорлик билан кўриб чиқиш, уларда қайд этилган муаммоларни ҳал этиш, такрорий мурожаатлар кўпайишининг сабабларини муҳокама этиб, такрорий мурожаатлар кўпайишининг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва унинг ижросини тизимли равишда ташкил этиш;

ижтимоий тармоқларда кўтарилаётган муаммоли масалалар бўйича аҳоли мурожаатларини чуқур таҳлил қилган ҳолда, уларни тезкорлик билан ҳал этиш ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали тезкор муносабат билдириш вазифалари топширилсин.

8. Мазкур ҳайъат йиғилиши қарори топшириқларининг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари А.Назаров зиммасига юклатилсин.

**Ҳайъат раиси**



**Ш. Хамраев**